



БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ: 2026–2030 СТРАТЕГИЯСИ ВА СУД АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

Фуқаролик ишлари бўйича Избоскан туманлараро судининг судьяси

Гаппарова Назокат Абдукахаровна

Аннотатсия. Мазкур мақолада болалар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг процессуал механизмлари таҳлил қилиниб, ушбу йўналишда диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти ёритилади. 2025 йил 24 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида суд ҳимояси механизмларини такомиллаштиришга қаратилган янги тартиблар ва уларнинг суд амалиётига таъсири ўрганилади. Хусусан, процессуал видеоёзув, давлат ҳисобидан юридик ёрдам ва профессионал тутинган оилалар тизимининг болалар иштирокидаги суд ишларига таъсири таҳлил қилинади. Мақола якунида суд амалиётида мавжуд муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича асослантирилган таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: бола ҳуқуқлари, суд ҳимояси, процессуал видеоёзув, юридик ёрдам, профессионал тутинган оила.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи бугунги кунда нафақат юридик ҳамжамият, балки бутун жамият эътиборида турган долзарб масалалардан биридир. Фарзандларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларни ҳар қандай зўравонлик ва ноҳақликдан асраш замонавий ҳуқуқий давлатнинг устувор вазифаларидандир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 55-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Хусусан, ушбу асосий қонунимизда “Бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш



давлатнинг бурчидир” деган нормалар мустаҳкамлаб қўйилди. Бу ўзгаришлар ҳуқуқий амалиётда, хусусан суд тизимида, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга янгича ёндашув заруратини кун тартибига қўйди.

Бола ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш деганда, болаларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш ёки уларни ҳимоялаш мақсадида судга мурожаат қилиш ва суд процессларида иштирок этиш жараёни тушунилади. Бунда бола даъвогар, жавобгар, жабрланувчи, гумонланувчи ёхуд гувоҳ сифатида суд жараёнларида иштирок этиши мумкин. Албатта, балоғатга етмаган шахс судга мустақил мурожаат қила олмайди – унинг номидан қонуний вакиллари (ота-она ёки васий) ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мурожаат қилади. Шу боис, суд орқали ҳимоя механизмларини болаларнинг нозик психологик ва ижтимоий ҳолатини инобатга олган ҳолда ташкил этиш муҳимдир.

2025 йил 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “2026 – 2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-256-сон Фармон имзоланди. Ушбу Фармон мамлакатимизда болаларга нисбатан зўравонликка қарши кураш тизимини тубдан такомиллаштириш, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни назарда тутди. Фармон матнида таъкидланганидек, Ўзбекистон Болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш бўйича глобал ҳаракатларга қўшилган ҳамда халқаро мажбуриятларини бажариш доирасида ушбу миллий стратегияни қабул қилмоқда.

Фармоннинг мазмун-моҳияти асосан уч йўналишда кўринади:

1) болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича янги тизимлар жорий этиш;



2) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар фаолиятини болалар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

3) жамиятда болаларга нисбатан зўравонликка мурасасизлик муҳитини шакллантириш.

Биринчидан, Фармонга мувофиқ профессионал тутинган оила хизмати жорий этилмоқда. 2026 йил 1 февралдан бошлаб оғир вазиятга тушиб қолган, зўравонлик туфайли ўз оиласидан ажратиб олинган ёки зўравонлик хавфи остидаги ҳамда ижтимоий жихатдан хавфли ҳолатда бўлган болалар учун давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган профессионал тутинган оилаларга жойлаштириш тизими йўлга қўйилади. Бундай оилаларга номзодлар махсус ўқитилиб, болаларнинг руҳий жароҳатларини бартараф этиш ва уларни реабилитатсия қилиш кўникмаларига эга бўлиши талаб этилади. Фармон профессионал тутинган оилаларга жойлаштирилган ҳар бир бола учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида нафақа тўлашни назарда тутади. Бундан ташқари, бундай болаларнинг кундалик яшаш харажатлари учун амалдаги оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари нормативларига тенг миқдорда қўшимча маблағ ажратилиши белгиланган. Ушбу чора Ўзбекистонда анъанавий меҳрибонлик уйлари (болалар уйлари) ўрнини босадиган янги институт – профессионал оила институтини шакллантиради. Мазкур янгиликнинг аҳамияти шундаки, болалар интернат муассасалари муҳитида эмас, балки оилавий шароитда вояга етиш имконига эга бўлади. Дарҳақиқат, хорижий тажрибада профессионал «фостер фамили» (фарзанд асраб олувчи малакали оила) тизими боланинг психологик ва ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган. Фармон дастлаб ушбу тизимни 2026 йил давомида учта ҳудудда (Қашқадарё, Навоий, Хоразм) синовдан ўтказиб, йил якунига қадар бутун Республика бўйлаб кенгайтиришни белгилайди.



Иккинчидан, 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб зўравонликдан жабр кўрган болаларга ҳамда зўравонликка гувоҳ бўлган болаларга тергов ва суд жараёнларида давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатилиши шарт этиб белгиланди. Яъни, эндиликда бундай болалар адвокат ёллаш имконияти ва молиявий аҳволдан қатъи назар, давлат ҳисобидан малакали ҳуқуқий ҳимоя олади. Ушбу норманинг жорий этилиши болаларнинг судларда муносиб тарзда вакиллик қилинишини, ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини кафолатлайди. Аввал амалиётда жабрланувчи ёки гувоҳ бўлган вояга етмаганларнинг манфаатларини кўпинча прокурор ёхуд васийлик органи ҳимоя қилиб келган бўлса, эндиликда уларга алоҳида адвокат бириктирилади. Бу эса суд муҳокамасида боланинг ҳуқуқий мавқеини мустаҳкамлайди ва унинг овози эшитилишини таъминлайди.

Шунингдек, Фармон суд жараёнида болаларни ҳимоя қилишга доир муҳим ўзгариш – васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг мажбурий иштирокини жорий қилди. Энди болага нисбатан қариндошлари томонидан зўравонлик ишлари кўрилатганда, судга қадар тергов ва суд жараёнларида васийлик/ҳомийлик органи вакили қатнашиши шарт бўлади. Бу норма аввал қонунчиликда тўғридан-тўғри мустаҳкамланмаган эди, амалиётда кўп ҳолларда васийлик органи вакиллари иштирок этиши тавсия этилар эди. Эндиликда эса уларнинг иштироки мажбурияти қонуний меъёр даражасига кўтарилди. Бунинг мақсади – боланинг манфаатлари тўла ҳимояланишини таъминлаш, жараёнда боланинг манфаатига зид ҳаракатларга йўл қўймасликдир. Васийлик органи одатда болага ғамхўрлик қилиш, унинг тарбияси ва ҳуқуқларини таъминлаш учун масъул бўлган тузилма бўлиб, энди суд-ҳуқуқ жараёнларида ҳам фаол қатнашади.

Юқорида санаб ўтилган чораларнинг яна бири – процессуал видеоёзувни татбиқ этиш билан боғлиқ. Фармонга кўра, зўравонликдан жабр кўрган болаларнинг дастлабки кўрсатмалари (яъни, тергов босқичида берган



гувоҳликлари) мажбурий тартибда видеоёзув орқали қайд этилиши лозим. Бу шуни англатадики, масалан, бола терговда воқеа тафсилотларини бир маротаба махсус хонада видеога ёздириб беради ва кейинчалик суд жараёнида шу видеоёзув далил сифатида ишлатилади. Натижада бола такроран суд залида кўпчилик олдида сўроқ қилиниш азобидан асралади. Халқаро тажрибада бундай амалиёт “сесондари вистимизатион” (иккиламчи жабрлантириш)нинг олдини олишда жуда самарали экани тан олинган. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги янги ҳам худди шу мақсадда жабрланган болаларни суд жараёнларида ортиқча руҳий зарбадан ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий кафолатларни назарда тутган эди. Президент Фармони ушбу кафолатни аниқ механизмга айлантириб, видеоёзув ёрдамида боланинг кўрсатмасини мустаҳкамлаш тартибини жорий этди. Бу янгилик суд амалиёти нуқтаи назаридан жуда аҳамиятли: эндиликда суд мажлисида видео тасвир кўрсатилиб, болани қайта-қайта сўроқ қилишга ҳожат қолмайди, шу билан бирга унинг берган кўрсатмасининг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги таъминланади.

Фармондаги навбатдаги муҳим қоидага кўра, болаларга нисбатан зўравонлик фактларини яширган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик белгиланди. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш ёки ижтимоий соҳа ходимлари хизмат фаолияти давомида бола зўравонликка учраганини аниқласалар, тегишли органларга хабар бериши шарт; агар хабар бермасалар, уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик (жарима ёки бошқа жазо) қўлланилади. Бу ҳам янги норма бўлиб, илгари тўғридан-тўғри қонунчиликда кўзда тутилмаган эди. Мазкур талаб вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини барвақт аниқлаш ва тегишли чора кўриш имконини беради. Масалан, мактаб ўқитувчиси ўқувчи болада тан жароҳати аломатларини кўрса ёки психолог болага зўравонлик қилинганини сезса, дарҳол ҳуқуқни муҳофаза органларига



хабар қилиши лозим бўлади. Бу янгилик жамиятда “зерикарли бефарқлик”ни йўқотиб, ҳар бир фуқаро ва мутасадди шахсни бола ҳимоячиси бўлишга ундайди.

Учинчидан, Фармон болалар ва уларнинг оилалари учун ижтимоий хизматларни кенгайтириш чораларини назарда тутди. 2026-йил 1-мартдан бошлаб барча ҳудудларда “Меҳрли оила” хизмати ташкил этилиши белгиланди. Бу хизмат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга бепул психологик ва педагогик ёрдам кўрсатишни кўзда тутди. Хусусан, ота-оналар учун оилавий терапия сеанслари ташкил этилиб, фарзанди билан муносабатларни тиклашга кўмак берилди. “Меҳрли оила” хизматига маҳаллий Болалар комиссиялари қарорига асосан ота-оналар жалб қилинади ва уларга мутахассислар ёрдамида тарбия услубларини яхшилаш бўйича тренинглар ўтказилади. Ушбу ташаббус, аслида, оилани мустаҳкамлаш орқали болани ҳимоя қилиш ғоясига асосланган: ота-она ва бола ўртасидаги тушунмовчилик, қийинчиликлар ҳал этилса, бола оилада қолади ва зўравонлик хавфи камаёди.

Фармонда болалар учун мўлжалланган янги ихтисослашган марказлар ҳам назарда тутилган. Жумладан, эски типдаги Республика ўғил ва қиз болалар тарбия муассасаларини тугатиб, уларнинг ўрнига Болаларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий интегратсия марказларини ташкил этиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, 2026 йил давомида Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва Бухоро вилоятларида ушбу марказларнинг минтақавий бўлинмалари очилиши режалаштирилган. Бу марказлар ижтимоий жиҳатдан хавф остида бўлган, тарбияси оғир болалар билан ишлайди, уларни жамиятга мослаштириш, касбга ўргатиш ва психологик реабилитатсия қилишга ихтисослашади. Мазкур тизимнинг жорий этилиши билан бир томондан, эскирган болалар уйлари тизимидан воз кечиш жараёни давом этади, иккинчи томондан, болаларга янада замонавий ва самарали хизматлар кўрсатилади. Мисол учун,



“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари қошида иқтидорли ва муаммоли болалар учун турли дастурлар амалга оширилади, таътил даврида қоладиган жойи бўлмаган болалар вақтинча жойлаштирилади.

Умуман олганда, 2025-йил Президент Фармони бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида янги босқични бошлаб берди. Унда белгиланган стратегия ва чора-тадбирлар 2026-йилдан эътиборан босқичма-босқич кучга киради. Президент Фармонида белгиланган чора-тадбирлар суд амалиётига сезиларли таъсир кўрсатиши кутилмоқда. Судлар эндиликда болалар иштирокидаги ишларни кўришда янги процессуал қоидалар ва қафолатларга таянган ҳолда иш юритиши лозим.

Процессуал видеоёзув жорий этилиши – суд жараёнларига энг катта инновацион таъсир кўрсатувчи ўзгаришлардан биридир. Жиноят ишлари юритувида эндиликда жабрланувчи бола дастлабки босқичдаёқ видеоконференсалоқа воситасида ёки махсус студияда сўроқ қилинади ва бу жараён ёзиб олинади. Судда ушбу ёзув кўрсатилади ва одатда, болани яна қайта-жавоб олишга ҳожат қолмайди (фақат зарурат бўлса, қўшимча саволлар берилиши мумкин). Бу янгилик суд амалиётида “болага дўстона муносабат” тамойилини кучайтиради. Аввалги амалиётда кўпинча вояга етмаган жабрланувчилар судга келиб, айбланувчи қаршисида кўрсатма беришга мажбур бўларди, бу эса уларда кўркув ва руҳий зўриқиш уйғотарди. Эндиликда болалар бундай стрессга камроқ дучор бўлади, натижада уларнинг судга бўлган ишончи ошади. Бундан ташқари, видеоқўлланманинг мавжудлиги суд жараёнини тезлаштиради – судья видеоёзувни таҳлил қилиб, дарҳол хулосага келиши мумкин. Шу билан бирга, адвокат ва прокурорлар учун ҳам болани саволга тутиш имконияти тергов вақтида яратилгани сабабли, судда ортиқча чўзилишлар бўлмайди. Мазкур тартиб, кутилишича, болаларнинг такроран жароҳатланишининг олдини олиб, судда адолат қарор топишига комаклашади. Хорижий давлатларда, жумладан Европа



мамлакатларида, болаларнинг видеокўрсатмаларидан фойдаланиш аллақачон йўлга қўйилган ва ўз самарасини берган. Демак, Ўзбекистон ҳам ушбу илғор амалиётни қабул қилмоқда.

Бепул юридик ёрдам ва адвокат таъминоти – судларда болалар ҳуқуқларининг реал ҳимоясини кучайтиради. Жиноят ишлари бўйича суд жараёнларида илгари ҳам вояга етмаган жабрланувчига юридик ёрдам кўрсатиш амалиёти бор эди, аммо бу кўпроқ прокурор ва терговчи орқали амалга оширилар эди ёки Оила кодекси бўйича фуқаролик ишларда васийлик органи иштирок этарди. Эндиликда эса ҳар бир бола жабрланувчи ёки гувоҳга алоҳида адвокат ажратилиши қатъий талаб бўлади. Суд амалиётида бу қандай кўринади? Мисол тариқасида, вояга етмаган шахс жабрланувчи бўлган жинсий зўравонлик иши судда кўрилаётган бўлса, энди суд мажлисида болага давлат томонидан тайинланган адвокат ҳам қатнашади. У боланинг қонуний манфаатларини ифода этади, саволларга боланинг манфаатидан келиб чиқиб жавоб қайтаришга кўмаклашади, ҳимоя ордери ёки бошқа зарур чора ҳақида масала кўтаради. Бунинг натижасида суд қарорларида боланинг манфаатлари тўлароқ ифода этилади. Шу ўринда статистик маълумотга мурожаат қилсак: масалан, 2024-йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон судлари 4 477 нафар шахсни оилавий зўравонлик учун жавобгарликка тортган. Ушбу ишларнинг аксаридида жабрланувчилар – аёллар ва болалар бўлгани маълум. Эндиликда бундай ҳолатларда ҳар бир жабрланувчи бола малакали юридик ёрдам олади, бу эса адолатли жазони белгилаш ва болани ҳуқуқий ҳимоя қилишга хизмат қилади. Илгари айрим ҳолларда жабрланувчи болаларнинг ҳуқуқлари етарлича ҳимоя қилинмай қолгани, масалан, зарар тўловини ундиришда эътибордан четда қолгани кузатилган бўлса, энди адвокат бундай жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади. Шу тариқа, суд қарорларида болаларнинг моддий ва маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқи ҳам тўлиқ рўёбга чиқиши кутилмоқда.



Васийлик органи вакилининг иштироки – суд амалиётида аллақачон мавжуд бўлган, лекин тизимли қўлланилмаган механизм эди. Энди бу қатъий норма сифатида белгиланди. Судлар эндиликда иш юритиш режасини тузишда вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳлар бўлса, маҳаллий ҳокимлик ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўлимидан вакил чақиради. Бундай вакил суд жараёнида бола манфаатларини кўзлайди, керак бўлса, боланинг турмуш шароитини яхшилаш ёки уни хавфсиз жойга жойлаштириш юзасидан судга таклифлар беради. Масалан, ота-онасининг бири томонидан доимий зўравонликка учраган бола иши кўрилса, васийлик органи вакили судда боланинг бошқа қариндошлар қарамоғига ўтиши ёки профессионал тутинган оилага жойлаштирилиши лозимлигини билдириши мумкин. Суд эса, ўз навбатида, бу масалани ҳал қилиш учун тегишли қарор қабул қилади. Бу амалиёт аллақачон айрим ишлар бўйича қўлланилаётгани сир эмас эди, аммо эндиликда барчасида қўлланади. Бу болани суд жараёнида “ёлғизлатиб қўймаслик” тамойилини рўёбга чиқаради.

Профессионал тутинган оилалар тизими эса бевосита суд ишлари билан боғлиқ кўринмасида, билвосита катта таъсирга эга. Чунки судлар вояга етмаганлар билан боғлиқ масалаларда ушбу янги институтдан фойдаланишни бошлаб юборади. Мисол учун, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ёки бола учун васий тайинлаш ҳақида фуқаролик иши кўрилганда, суд эндиликда профессионал оилалар базасининг мавжудлигини инобатга олади. Агар боланинг қариндошлари орасида уни тарбияга олувчи топилмаса, суд қарори билан бола “Инсон” маркази орқали профессионал оила тарбиясига ўтказилиши мумкин бўлади. Бу эса судлар олдида янги масъулият ва вазифаларни кўяди – яъни, суд қарорининг ижроси доирасида бола қаерга жойлаштирилишини ҳам кўрсатиб ўтиш. Шу нуқтайи назардан, фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича судьяларга васийлик органлари билан янада яқин ҳамкорлик қилиш талаб этилади. Суд қарор чиқаришдан олдин васийлик



органидан боланинг келгуси тақдирига оид хулоса (акт) олиши лозим бўлади. Фармон асида ушбу жараёни ҳуқуқий асос билан мустаҳкамлади. Суд амалиётида бундай ҳамкорликнинг кучайиши эса қарорлар сифатини оширади ва бола тақдири учун энг мақбул ечимни топишга хизмат қилади.

“Меҳрли оила” ва оилавий терапия хизматлари ҳам суд қарорларининг ижросида ва профилактикасида ўз аксини топади. Судлар, айниқса оилавий низолар (ажрим, ота-она ҳуқуқидан маҳрум этиш ва бошқалар) бўйича иш кўришда, эндиликда “Меҳрли оила” марказларига оилаларни йўналтириш амалиётини қўллашлари мумкин. Масалан, ажрашиш жараёнида боланинг тақдири ҳал этилаётган бўлса, суд ажримни ҳал қилиб, лекин боланинг ота ёки онаси билан мулоқот тартибини белгилашда оилавий терапия олишини тавсия қилиши мумкин. Ёки ота-оналик ҳуқуқини тиклаш масаласини кўришда суд “Меҳрли оила” дастуридан ўтганликни инобатга олади. Бундай интеграция суд тизими ва ижтимоий хизматлар ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлайди, қарорларнинг ижроси самарадорлигини оширади.

Келтирилган барча янгиликлар суд амалиётига изчил тадбиқ этилиши учун, албатта, судьялар ва мутасадди органлар малакасини ошириш талаб этилади. Фармон ҳам бу борада тегишли топшириқларни берган: уч ой муддатда Фармондан келиб чиқиб қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш, олти ой муддатда тергов ва суд жараёнларида болаларни ҳимоя қилишга оид қўшимча нормаларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Демак, 2026-йил давомида Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва тегишли қонунларга тузатишлар киритилиб, суд амалиётига юқоридаги чора-тадбирлар тўлиқ сингдирилади.

Аввало, эътиборга лойиқ ҳолат – жамиятда болаларга нисбатан зўравонликка мурасасизлик муҳити шакллана бошлагани натижасида, зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва судга ошириш кўрсаткичлари ошиб бормокда. Мисол учун, 2024-йил давомида “1146” ишонч телефони орқали



1 832 нафар зўравонликдан жабрланган шахс мурожаат қилган, улардан салмоқли қисмини вояга етмаганлар ташкил этади. Бу мурожаатлар асосида қатор ишлар судларга оширилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Болалар ҳуқуқлари бўйича Омбудсман 2024-йилда болалар манфаатларини таъминлаш бўйича 50 дан ортиқ текширув ва судга мурожаатларни амалга оширди, жумладан, мактабларда зўравонлик ҳолатлари юзасидан судларга даъво киритди. Бу ҳолат суд амалиётида болалар ҳуқуқларига оид ишлар сони ошганини кўрсатади. Бироқ бу салбий ҳолатларнинг кўпайгани эмас, балки аввал яширин қолган муаммолар юзага чиқаётганини англатади.

Суд статистикасига назар солсак, жиноят судлари олдига қўйилган ишларнинг тузилмасида вояга етмаганларга оид ишлар улуши ортмоқда. Масалан, 2025-йилнинг биринчи ярмида жиноят судлари кўриб чиққан ишлар орасида вояга етмаган жабрланувчилар бўлган ишлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12% га ошгани қайд этилди (манба: Судьялар олий кенгаши ҳисобот ахбороти, 2025). Айниқса, оиладаги зўравонлик ва жинсий зўравонлик билан боғлиқ жиноятларда бу кўрсаткич юқори. Бунини тасдиқловчи маълумот – 2024-йил 1-чорагида 318 нафар шахс маъмурий тартибда болаларга нисбатан жинсий зўравонлик (41-1-модда) учун судланган бўлса, 2023-йил давомида бу рақам 666 нафарни ташкил қилган эди. 2025-йилга келиб ушбу модда бўйича ҳам жавобгарликка тортиш ҳолатлари ортмоқда, демак болаларга зарар етказганлар жазосиз қолмаяпти. Суд амалиётида бундай ишларни кўришда эндиликда юқорида зикр этилган янги процессуал қафолатлар қўлланила бошланди. Масалан, 2025 йил ноябрь ойида Фарғона вилоятида бўлиб ўтган жиноят ишида вояга етмаган жабрланувчи қизнинг терговдаги видео-кўрсатмаси суд мажлисида намойиш этилиб, қиз суд залига келтирилмади – бу ҳолат маҳаллий матбуотда “боланинг кўзёшларисиз суд якунланди” деб ёритилди (манба: Фарғона вилоят суди матбуот хизмати



хабари, 2025). Ушбу мисол процессуал видеоёзувнинг амалий жорий этилганини ва ўз натижасини бераётганини кўрсатади.

Суд амалиётида болалар иштирокидаги фуқаролик ишлари – масалан, алимент ундириш, васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ тортишувлар – сони ҳам йил сайин ошмоқда. Миллий статистик маълумотларга кўра, 2025 йилда судларга 100 мингдан зиёд алимент ундириш бўйича даъво аризалари келиб тушган (улардан катта қисми ёш болалар таъминоти билан боғлиқ). Шундан 85% ҳолатда алимент ундириш тўғрисида суд қарорлари қабул қилинган. Алимент ундириш жараёнида ҳам янги ҳимоя чоралари кучга кирди – алимент тўламаслик жиноий жавобгарлиги кучайтирилди, алимент ундириш ишлари бўйича ижро назорати мустаҳкамланди. Д.М.Хидиров ўз тадқиқотида алимент ундириш ва “тирик етим”лар муаммосига алоҳида тўхталиб, судларда алиментга доир ишларни тезкор кўриш, қарздор ота-оналарга нисбатан жазо чораларини кескинлаштириш таклифини билдирган эди. Айти пайтда амалиётда ҳам худди шундай йўналиш кузатилмоқда: 2025 йилда Самарқандда бир фуқаро суд қарори билан фарзандлари учун келгуси бир йилнинг алимент маблағларини олдиндан тўлаш мажбуриятини олди – бундай қарор маҳаллий суд томонидан тарафларнинг келишувига эришиш йўли билан чиқарилди. Бу каби янгича ёндашувлар болаларнинг манфаатларини тез ва самарали ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, судларнинг ижобий амалиётини намоён этади.

Халқаро статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича ҳар йили 1 миллиарддан ортиқ бола турли шаклдаги зўравонликка учрамоқда. Ўзбекистонда эса 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг 62% қаттиқ интизомий жазога (яъни жисмоний ёки руҳий зўравонликка) дуч келгани аниқланган. Бу жуда юқори кўрсаткич бўлиб, болалар ҳуқуқларини суд ҳимоя қилиш тизимини яна-да кучайтиришни тақозо этади. Яқин йилларда Ўзбекистонда “ювенал адлия” (воёга етмаганлар одил судлов тизими)ни жорий этиш таклифлари ҳам айнан шу заруриятдан келиб чиқмоқда. Масалан,



2024 йил сентябрь ойида “Адолат” СДП партияси Олий Мажлисида махсус ювенал судлар тизимини яратиш таклифи билан чиқди. Таъкидланишича, 60 дан ортиқ давлатда болалар билан боғлиқ суд ишлари бўйича ихтисослашган судлар фаолият юритади ва уларнинг асосий мақсади болаларга нисбатан инсонпарварлик тамойилини таъминлашдан иборатдир. Хусусан, Франтсия ва Япония тажрибасида вояга етмаган ҳуқуқбузарларга нисбатан жазолашдан кўра тарбиялаш ва жамиятга мослаштиришга урғу берилиши натижасида ёшлар ўртасидаги жиноятчилик сезиларли камайгани келтирилган. Бу маълумотлар шуни кўрсатадики, суд амалиётида болаларга нисбатан ёндашув бутунлай бошқача бўлиши лозим – жазолаш охириги чорадир, асосийси бола ҳуқуқини тиклаш, ҳимоя қилиш ва тўғри йўлга солишдир.

Юқоридаги мисоллар ва рақамлар Ўзбекистонда судлар фаолиятида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганини тасдиқлайди. Албатта, бу йўналишда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳамон мавжуд. Қуйида ана шу муаммо ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ёритилади.

Болалар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш жараёнида айрим муаммо ва бўшлиқлар мавжудлигича қолмоқда. Қуйида асосий муаммолар таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар баён этилади:

ҳозирда Ўзбекистонда алоҳида ювенал судлар йўқ, вояга етмаганлар билан боғлиқ ишлар умумий судлар томонидан кўрилади. Бу эса айрим ҳолларда судьяларнинг болалар психологиясидан етарлича хабардор эмаслиги ёки ишни одатдаги катталар иши каби кўриб қўйишига олиб келади. Бунга ечим сифатида, қисқа муддатда судьялар учун болалар иши бўйича махсус ўқув курсларини йўлга қўйиш, сертификатлаш жорий этиш. Кейинчалик, босқичма-босқич энг кўп болалар иштирокидаги ишлар келиб тушадиган ҳудудларда ихтисослашган суд таркибларини ташкил этиш (масалан, дастлаб Тошкент,



Фарғона, Самарқанд вилоятларида Ювенал суд коллегиясини синов тариқасида йўлга қўйиш). Бу борада “Адолат” СДП таклифини қўллаб-қувватлаш мумкин – яъни, Европа ва Осиё мамлакатларидаги каби алоҳида Ювенал судлар тузиш. Агар мустақил суд тузиш ҳозирча қийин бўлса, ҳеч бўлмаганда ҳар бир туман (шаҳар) судида ювенал адлия масалаларига ихтисослашган судья тайинлаш амалиётини жорий қилиш лозим;

қўплаб оилавий низолар (масалан, ажрашганда фарзанд ким билан қолиши, кўриш тартиби ва ҳоказо)да суд қарорини қабул қилишда боланинг фикрини инобатга олиш муҳим. Амалдаги Оила кодексига кўра, 10 ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олиниши керак. Бироқ амалиётда баъзан бу талаб расмийлик учун бажарилади ёки умуман бажарилмайди. Шу сабабли фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича судларда боланинг фикрини мустақил билиш учун психологлар кўмагидан фойдаланиш тартибини йўлга қўйиш. Масалан, суд мажлисидан ташқари ва ота-онасиз ҳолатда психолог ёки ижтимоий ходим боланинг фикрини аниқлаб, судга хулоса тақдим этиши мумкин. Бундан ташқари, 2024-йил қабул қилинган янги Қонунда белгиланганидек, бола учун ҳимоя ордери чиқариш амалиётини ҳам судларга татбиқ қилиш зарур. Яъни, агар бола зўравонлик қурбони бўлса, суд уни ҳимоя қилиш мақсадида зўравон шахсга нисбатан муайян чекловлар (масалан, бола яшайдиган ҳудудга яқинлашмаслик) қўйиши мумкин. Бу тартиб ҳам тезроқ фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилиши лозим;

Болаларга доир суд қарорлари ижроси устидан назорат баъзан суст бўлади. Масалан, алимент бўйича қарор чиқади-ю, лекин ижроси суст, қарздор тўламайди, натижада бола барибир азият чекади. Ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота кейинчалик яширинча бола билан кўришаверади – булар назоратсиз қолмаслиги керак.

Таклиф: Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юридик ёрдам марказларига (ёки Омбудсманга) шундай ваколат берилиши мумкинки, улар бола ҳуқуқларига



оид суд қарорларининг бажарилишини мониторинг қилсин ва муаммо аниқланса, қайта судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлсин. Бундай механизм, аслида, Бола ҳуқуқлари бўйича Омбудсманга берилган – у бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун такроран судга даъво киритиши мумкин. Бу амалиётни кучайтириш, Омбудсман ва суд ижрочилари ҳамкорлигини ошириш керак.

Юқоридаги таклифлар амалга оширилиши учун, албатта, маблағ ва ресурслар талаб этилади. Президент Фармони доирасида молиялаштириш манбалари ҳам белгиланган – масалан, Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ҳисобидан профессионал оилаларга тўлов ажратиш кўзда тутилган. Келгусида ҳам бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тадбирларига давлат бюджетидан етарли маблағ ажратилиши лозим, чунки бу инвестиция бўлиб, соғлом авлодни вояга етказиш гаровидир.

Хулоса ўрнида, муаммолар қанчалик мураккаб бўлмасин, уларнинг ечими учун сиёсий ирода ва ҳуқуқий асос шаклланган. Энди амалиётда изчиллик ва масъулият зарур. Судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, таълим-тарбиячилар ва жамият бир ёқадан бош чиқариб ишласа, болалар учун янада хавфсиз ва адолатли муҳитни таъминлаш мумкин бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023-й., 03/23/837/0241-сон.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенсия. — Нью-Ёрк: БМТ, 1989. — 54 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. 30.04.1998 й. № 607-И. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.10.2025-й., 03/25/1089/0953-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик протсессуал кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2026-й., 03/26/1142/0440-сон.



5. 2025 йил 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “2026 – 2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-256-сон Фармон

6. УНИСЕФ, "Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва жабрланган болаларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартлар", ЮНИСЕФнинг болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисоботи, 2024-2025. [www.унисеф.орг/Ўзбекистан

7. <http://m.xabar.uz/mahalliy/ozbekistonda-uch-oyda-45-mingga-yaqin-kishi-oilavi>

8. https://ihma.uz/document/2025_ishlar.pdf

9. <https://www.unicef.org/uzbekistan/reports/uzbekistan-mics-2021-2022-survey-findings-report>

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора--тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 4 январдаги 3-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори. *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.07.2025 й., 09/25/441/0622-сон*